

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА АХБОРОТ ТАҲДИДЛАРИ МАСАЛАСИ

Азизова Моҳира Анваровна

Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада ахборотлашган жамият яратишнинг муаммоларидан бири – ахборот ҳавфсизлиги масаласи эканлиги ёритилган. “Ахборот технологиялари даври”, “ахборот асри” деб аталувчи ҳозирги даврда бирорта жамият аниқ ишлаб чиқилган ахборот ҳавфсизлиги тизимсиз мавжуд бўла олмаслиги асосланиб, шунга кўра ахборот ҳавфсизлиги масаласига эътибор қаратилиши ва ахборотларни холис, нохолис ахборотларни ажрата олиш имкониятига эга бўлишларини назарда тутди. Жаҳонда нохолис ахборот тарқатиш, уни салбий талқин қилиш ёки ўз манфаатига мослаб узатиш ҳолатлари вужудга келмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг биринчи талаби эканлиги асослаб берилган.

Жамиятимиз бутун дунёда жадал ривожланиб бораётган ахборотлашган жамият хусусиятига хос фаолиятни амалга ошираётган бир даврда унга хос омиллардан бири ахборотнинг тезкор алмашинувидан иборат. Бу даврда ахборот асосий куч бўлиб у ёрдамида ҳаттоки бутун дунёни бошқариш, назорат қилиш ҳамда турли даражада таъсир ўтказиш имкониятига эгадир. Ахборотлашган жамиятда турли йўналишларда, турли усуллар билан ахборотларнинг кириб келиши кузатилади. Бундай жамиятда албатта ахборот қанчалик кўп бўлиши билан бирга шунчалик ишончилиги ҳам аҳамиятли, чунки ахборот таҳдидлари туфайли яъни ахборот ҳавфли қурол сифатида жамият аъзоларининг онгини заҳарлаши, маънавиятига зарарли таъсир ўтказиши каби ҳолатларни олдини олиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ахборот асрининг муҳим кўрсаткичларидан бири – давлат ва жамиятнинг барча бўғинлари учун тезкор ахборот алмашинуви биринчи ҳаётий заруратга айланишидир. Бу фаолиятни бажара олганлар замон билан ҳамнафас яшай олади. Демак, ривожланишни хоҳлаган давлат биринчи ўринда ўзининг ахборот коммуникация тизимлари фаолиятини мукаммалигини, уларнинг



ҳавфсизлигини таъминлаши зарур. Жамият ахборотлаштирилишида ахборот тизимлари одамнинг кучи, ақл-идрокидан тортиб, табиат бойлигигача бўлган ресурсларини ҳимоя қилишига ҳамда бунинг натижасида меҳнат унумдорлигининг бир неча баробар ортишига эътибор қаратилади. Чунки ахборот тизими ёрдамида, яъни компьютер, интернет орқали зудлик билан янгиликлар, маълумотлар тарқалишига имкон яратилади. Бунда нафақат зарурий ахборот билан бирга зарарли ахборотлар ҳам тарқалишига олиб келмоқдаки буни олдини олиш учун жамият аъзоларининг билимини юксалтириш, маънан бақувват қилиш талаб этилади.

Ривожланган давлатларда ахборот ва телекоммуникация саноати, компьютер технологиялари ҳаётнинг ажралмас қисмларига айланиб улгурган. Малакатимизда бу борада амалга оширилган фаолиятлар натижаси ўларок интернет бутун жаҳондаги сингари Ўзбекистонда ҳам ягона коммуникацион ва ахборот муҳити бўлиб, ўз мавқеини мустаҳкамлади. 2003 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўзининг “UZ” миллий доменини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган. XXI асрнинг аламшумул кашфиёти ҳисобланган Интернет тизими республикамиз ижтимоий – иқтисодий ҳаётига татбиқ қилиш босқичидан тараққий этиш босқичига мукамал қадамлар билан ўтди. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг ривожланиб бораётган ҳар бир соҳасида ахборот технологияларидан, жумладан интернетдан самарали фойдаланиш амалга оширилмоқда.

Компьютерлаштириш ва АКТ соҳасининг ривожланишида – бу соҳада малакали ёш мутахассисларни таёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Малакали, ёш ва иқтидорли мутахассисларни тайёрлаш вазифасини Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг вилоят филиаллари томонидан амалга оширилмоқда. АКТ соҳасини ривожлантиришни самарали амалга ошириш мақсадида, яъни мамлакат иқтисодиёти соҳасига жаҳон стандартлари даражасидаги замонавий ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини жорий этиш, аҳолини ахборот тармоқлари ресурсларига, хусусан Интернет тармоғига эркин уланиш имкониятини таъминлаш мақсадида 2012 йил 16 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида биноан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги асосида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси



ташқил этилди ҳамда 2015 йил 4 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазлиги ташқил этилиб, бу вазирлик ҳозирда 2023 йил январ ойидан Рақамли технологиялар вазирлигига ўзгартирилди ҳамда бу муносабат билан соҳада қатор ўзгартиришлар амалга оширилди.

Ахборотлашган жамият яратишнинг муаммоларидан бири – ахборот ҳавфсизлиги масаласидир. “Ахборот технологиялари даври”, “ахборот асри” деб аталувчи ҳозирги даврда бирорта жамият аниқ ишлаб чиқилган ахборот ҳавфсизлиги тизимсиз мавжуд бўла олмайди. Шунга кўра ахборот ҳавфсизлиги масаласига эътибор қаратилиши ва ахборотларни холис, нохолис ахборотларни ажрата олиш имкониниятига эга бўлишларини назарда тутати. Жаҳонда нохолис ахборот тарқатиш, уни салбий талқин қилиш ёки ўз манфаатига мослаб узатиш ҳолатлари вужудга келмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг биринчи талабидир. Чунки ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш орқали ахборот хуружларининг олдини олиш мумкин, ҳамда мамлакатни ички ва ташқи ҳавфлардан ҳимоялаш ҳам демакдир.

“Ахборот уруши” деб, ижтимоий, сиёсий, этник ва бошқа тизимларнинг моддий ютуқларга эриш мақсадида бир бирига очик ва яширин мақсадлар билан ахборотлар ёрдамида таъсир этишига айтилади. Шу билан бир қаторда ахборот уруши деб, яна рақиб устидан ахборот ҳуқумронлигига эришиш ва бунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошқача зарар етказиш учун давлатнинг ҳарбий кучлари, ҳукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва операциялар мажмуасига айтилади. [4]

Ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Бу урушда бинолар зарар кўрсасада, одамлар ўлдирилмасада, моддий бойликлар шикаст етмасада, унинг мафкуравий, маънавий, руҳий зарарини баҳолаш қийин. Ахир бузилган бинони қайта бунёд қилиш мумкин, йўқотилган мол-мулк ўрнини қоплаш оғир эмас, бироқ шикаст етган миллат руҳини қайта тиклаш осон эмас.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ахборот таҳдиди шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш



имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охир оқибат ҳар бир мамлакат маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига. Умуман, “тахдид” деганда инсон ҳаётий фаолияти, умуман, яшадини чигаллаштирувчи ҳамда аниқ тарихий давр давомида аниқ мақсад учун йўналтирилган ижтимоий структурани, тўғрироғи, давлатнинг сиёсий асосини заифлаштирувчи, қолаверса, емиришга қаратилган маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ва ниҳоят, умумсайёравий салбий омилларнинг “кириб келиши” туфайли юз берувчи макон ва замонда муайян салбий сиёсий ижтимоий ва тарихий вазиятни тушуниш лозим. [3]

Ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши унча ҳам кўзга ташланмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Бугунги глобаллашув жараёнларида тезкорлик билан ахборот алмашинуви содир бўлиб турган бир вақтда ахборот жуда шиддатли кучга эга бўлмоқда. Бу борада давлатимизнинг биринчи президенти қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтган эди: “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”. [2]

Ҳозирги кунда замонавий интеграция тушунчаси дунё ахборот макондан мустаҳкам ўрин эгаллашни тақоза этмоқда. Ахборот маконини эгаллашга бўлган интилиш, юртбошимизнинг кўплаб чиқишларида баён этилган. Ахборот макони эркинлигини йўлга қўйиш ўзгача бир муаммо бўлса, ана шу эркинлик чегараларидан чиқиб кетган ёки мана шу эркинлик қиёфасида кириб келадиган тажавузлар кучайган ҳолатларда унда муҳофаза чораларини кўра билиш янада мушкулроқ, янада мураккаброқ ва қалтисроқ муаммодир.

Мамлакатимиз хавфсизлиги, эришилган барқарорлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаб, келажак авлодларга обод ва озод Ватанни мерос қолдириш бўйича ҳар бир фуқаронинг масъулияти янада ошганлигини қайд этиб ўтмоқчимиз. Бу олий неъматнинг қадрига етишимиз учун инсон



омилининг ўрни ва мавқеини тўғри баҳолай олишимиз зарурлигини англашимиз лозим бўлади. [3]

Ҳозирги кунда инсон онги ва руҳига бўлаётган таҳдидлар ахборотларнинг турли йўллар билан кириб келаётганлиги сабабли амалга ошмоқда. Булар сирасига интернет сайдлари ва бошқа турли ёшлар эътиборини тортадиган сайдлар орқали кириб келган ахборотлар ҳисобланади. Улар ичида ижобий ва салбий ахборотларни ажрата олиш ҳар бир инсоннинг бой маънавиятига, етук билимлари сирасига боғлиқ ҳисобланади.

Шу ўринда, турли хил ҳавфли жараёнларни бартараф этишда инсоннинг бениҳоя катта ўрни бўлиши ҳақида сўз юритар эканмиз, фаол инсоннинг қиёфаси, моҳияти ва ички дунёси, қолаверса мойилликлари тўғрисида ҳар хил фикрлар ўртага ташланганлигидан хабардормиз. Инсоннинг шаклланиши ва ижтимоий мавжудот сифатидаги маънавий ривожланиши ижтимоий тараққиёт босқичлари, уларнинг моҳияти ва хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Бугун, XXI асрда, инсондан сифат жиҳатдан кескин ўзгариш талаб қилинмоқда. Инсон, унинг ақл – идроки, заковати ва салоҳияти ижтимоий тараққиёт, олам яхлитлигининг бирдан – бир омилига айланишига эҳтиёж кучаймоқда. Замон инсониятдан ўз – ўзини англаб олишни талаб қилмоқда. Таҳдидларни бартараф этиш фақат ва фақат инсон елкасига тушмоқда. [3]

Ҳозирги эълон қилинмаган ахборот таҳдидлари шароитида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишимиз керак:

- ахборотлаштириш жараёнидаги мавжуд шакл ва усулларини ўзгартиришимиз, уларни миллий манфаатларимиз ва замонавий мезонларга мувофиқлаштириш, ахборот таҳдидларига қарши барча замонавий воситалардан фойдаланишимиз керак;
- ички ва ташқи сиёсатда рўй бераётган факт ва воқеаларни ёритишда янгича ёндошувларни қўллаш, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ҳалқаро миқёсдаги жамоатчилик фикрига таъсирчанлигини ошириш, душманлик кайфиятида бўлган ахборот воситаларининг мафкуравий ҳужуралига муносиб жавоб бериш;
- мамлакатда кечаётган ижтимоий – иқтисодий ислохотлар ва Ўзбекистоннинг ҳалқаро алоқаларини таҳлил қилиш борасида тизимли ёндашувларни ишлаб чиқиш, ислохотларнинг ахборот таъминотини



таъминлаш ишида матбуот ва электрон оммавий ахборот воситалари ҳаракатини бирлаштириш.

Ахборотлаштириш жараёнлари бугунги кунда, биринчидан, ташкилий – ҳуқуқий ва молиявий, иккинчидан, ахборот ва маълумотнома базаларидан фойдалана олиш имконияти, учинчидан, барча таҳлилий хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, тўртинчидан, янгича иш ва тажриба алмашиш шакллари ўзлаштириш, сиёсатшунослар, социологлар фаолиятини мувофиқлаштириш, бешинчидан, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг сиёсий, мафкуравий даражасини юксалтириш, олтинчидан, рақобатбардошликни ошириш ва Ўзбекистоннинг объектив қиёфасини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар долзарб бўлиб турибди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ахборотлаштиришнинг самарали ривожини учун зарур шарт – шароитлар яратиш учун албатта, мамлакатимизда замонавий ахборотлашган технологиялар яратилиши, хорижий компьютерлар ва бошқа техник воситалар сотиб олишни янада кўпайтириш, ҳамда янги мутахассисларни тайёрлаш, кенг кўламда компьютер саводхонлигини ёйиш, мавжуд мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Ахборотлаштириш жараёнларини интеллектуал жиҳатдан таъминлаш ундан ҳам муҳимроқ, ахборотлаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш, ахборотлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш ўқув – таълим дастурларини тайёрлаш ва ҳ.к.

Демак, ахборотлаштириш жараёнлари инсоният тараққиётида муҳим ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Табиат ва инсоният жамияти ўртасида, шунингдек инсоният жамиятининг ўзида ўзаро ахборот алмашуви мавжуд бўлмаганда, у тараққий қилмаган ва ҳозирги мавжуд камолотига эришмаган бўларди. Инсоният ривожланиши ва мавжуд булиши учун моддий воситалар билан бирга ахборот ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ахборотдан тўғри унумли фойдаланиш натижасида ривожланиш жараёнларини мукамал бўлишига эришлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 23-34 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008. 115-б.
3. Шукритдин Пахрутдинов. “Таҳдид” тушунчаси: назария ва амалиёт. - Т.: “Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт”, 1998. 7, 13, 18 – бетлар.
4. Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная политика в условиях информационно-психологической войны. 2-нашр. – М.: Горячая линия – Телеком. 2006. – С. 203.
5. Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnali*, 1(5), 290-296.
6. Abdullayeva, Z. N., & Azizova, M. A. (2022). Environmental Culture: Problems And Solutions. *Journal of Positive School Psychology*, 11698-11703.
7. АЗИЗОВА, М. (2022). ЭКОМУҲИТ ИНҚИРОЗИ–ИНСОНИЯТ ИНҚИРОЗИ. *ZAMONAVIY FAN, TA'LIM VA ISHLAB CHIQRISH MUAMMOLARINING INNOVATSION YECHIMLARI*, 31-34.
8. Азизова, М. А. (2021). Глобаллашув Жараёнлари Ва Соғлом Турмуш Тарзи. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(5), 449-453.
9. Anvarovna, A. M. (2023). *EKOLOGIK TAHDIDLAR VA MUAMMOLAR. PEDAGOG*, 6(1), 748-753.
10. Abdullayeva, Z. N., & Azizova, M. A. (2022). Environmental Culture: Problems And Solutions. *Journal of Positive School Psychology*, 11698-11703.
11. Азизова, М. А. (2021). Глобаллашув Жараёнлари Ва Соғлом Турмуш Тарзи. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(5), 449-453.
12. Sultanbekovna, S. N., Nabiyevna, A. Z., Anvarovna, A. M., & Zumrad, K. (2021). Digitalization of Higher Education: Trends and Their Influence on the Institution of Higher Education. *Design Engineering*, 14680-14692.
13. Allayarova, S. U. (2023, January). *BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARINING LUG 'AT BOYLIGINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK*



SHART-SHAROITLARI. In Proceedings of International Educators Conference (Vol. 2, No. 1, pp. 51-56).

14. Azizova, M. A. (2021). TYPES OF ENVIRONMENTAL THREAT: PROBLEM AND SOLUTION. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(2), 12-17.
15. Azizova, M. A., & Abdullaeva, Z. N. (2018). ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ УГРОЗЫ: ВЧЕРА И СЕГОДНЯ. *Theoretical & Applied Science*, (5), 436-438.
16. Азизова, М. А. (2017). Национальные и международные нормы, связанные с борьбой с коррупцией: историко-аналитический взгляд. *Молодой ученый*, (15), 221-223.
17. Абдурахмонов, У. У. (2023). РОЛЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У МОЛОДЁЖИ В ОБЩЕСТВЕ. *International journal of advanced research in education, technology and management*, 2(1).
18. Абдурахмонов, У. У., & Исломов, Б. С. (2016). Виды и роль здоровой социальной конкуренции в достижении профессионального мастерства молодежью. *Социология и право*, (1 (31)), 16-21.
19. Абдурахмонов, У. У. (2015). МЕСТО И РОЛЬ ЗДОРОВОЙ СОЦИАЛЬНОЙ КОНКУРЕНЦИИ В ПОСТИЖЕНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО МАСТЕРСТВА МОЛОДЕЖЬЮ. *Редакционная коллегия*, 286.
20. Nazarovich, S. A., & Olimjanovich, X. A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(7).
21. Sanaqulov, A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. *International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECS)*.
22. Санакулов, А. (2017). Духовность-основа информационной безопасности. *Молодой ученый*, (19), 231-234.
23. Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. *JournalNX*, 897-903.



24. Санакулов, А. Н. (2022, January). ВЫРАБОТКА ИНФОРМАЦИОННОГО ИММУНИТЕТА-КАК ЗАЛОГ ПОВЫШЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ ЛЮДЕЙ. In Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference (Vol. 2, No. 1).
25. Sanakulov, A. N. (2019). MAINTENANCE OF THE WORLD OUTLOOK SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. Социосфера, (4), 54-57.
26. Tulenova, G., & Sanaqulov, A. (2022). MODERN VIRTUAL TECHNOLOGY AND ITS OPPORTUNITIES. Academic research in educational sciences, 3(9), 100-105.
27. Nazarovich, S. A. (2022). DEVELOPMENT OF INFORMATIONAL IMMUNITY AS THE KEY TO INCREASING THE INFORMATION CULTURE OF PEOPLE. Conferencea, 191-196.
28. Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. Yosh Tadqiqotchi Jurnal, 1(5), 290-296.
29. Nazarovich, S. A. (2022). SPIRITUAL ASPECTS AND SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. Conferencea, 94-99.
30. Санакулов, А. Н., & Бобоёров, Ш. Б. (2022). ЁШЛАРДА ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК (VR) ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ. Yosh Tadqiqotchi Jurnal, 1(5), 281-289.
31. Sanaqulov, A. (2021). Ҳозирги давр фани ва фалсафасида виртуал реаллик муаммоси. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ХАБАРНОМАСИ.
32. Sanaqulov, A. (2020). ВИРТУАЛ МУЛОҚОТДА ДУНЁҚАРАШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ. БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ.
33. Allayarova, S. U. (2023, January). BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARINING LUG 'AT BOYLIGINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI. In Proceedings of International Educators Conference (Vol. 2, No. 1, pp. 51-56).
34. Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. Yosh Tadqiqotchi Jurnal, 1(5), 290-296.



35. Абсатторов, Б. (2019). ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха.
36. MAMARASULOVICH, A. B. (2021). Баркамол ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий мезон ва меъёрларнинг ўрни. АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
37. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 11, 154-163.
38. Абсаттаров, Б. М., & Юсупова, Н. А. (2020). Эволюция взглядов об этике, этических критериях и этических нормах. Ученый XXI века, (12-1 (71)), 75-81.
39. Absattorov, B. M. (2019). Spiritual And Moral Development Of The Person In Modern World. Central Asian Problems of Modern Science and Education, 4(2), 167-173.
40. Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. Asian Journal of Multidimensional Research, 11(11), 199-204.
41. MAMARASULOVICH, A. B. (2018). INNOVATORY METHODS OF WORKING WITH UNORGANIZED YOUTH. European Science Riview.
42. Mamarasulovich, A. B. (2021). IMPROVEMENT AND DEVELOPMENT OF ETHICAL CRITERIA AND NORMS. European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA).
43. Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ-ЎЗ-ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. Gospodarka i Innowacje., 30, 167-173.
44. MAMARASULOVICH, A. B. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха.
45. Mamarasulovich, A. B. (2023, January). YOSH AVLODNI MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASH-XALQIMIZ TARBIYAVIY AN'ANALARINING O 'ZIGA XOS JIHATLARI SIFATIDA.



In Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies (Vol. 2, No. 1, pp. 273-281).

46. MAMARASULOVICH, A. B. (2018). Zamonaviy sivilizatsiya rivoji va uning axloqiy mezonlari. TDPU ILMIIY AXBOROTLARI.
47. Allayarova, S. U. (2023, January). BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARINING LUG 'AT BOYLIGINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI. In Proceedings of International Educators Conference (Vol. 2, No. 1, pp. 51-56).
48. Madaminova, N. Z. (2021). THE ROLE OF SOCIAL SCIENCES IN THE UPBRINGING OF A HARMONIOUSLY DEVELOPED GENERATION. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 2(09), 19-21.
49. MADAMINOVA, N. (2017). TECHNOLOGY OF TEACHING TO SOCIAL STUDIES. In МОЛОДЕЖЬ И НАУКА: ШАГ К УСПЕХУ (pp. 13-15).
50. Madaminova, N. Z. (2020). THE MEANING OF THE DEVELOPMENT OF KNOWLEDGE ON THEOLOGY. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 13-16).
51. Мадаминова, Н. З. (2018). Динийлик ва дунёвилик конвергенцияси. Современное образование (Узбекистан), (9), 18-24.
52. Мадаминова, Н. С. (2015). Зороастризм-философская культура узбеков. Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук, (3), 49-52.